

يَفَسَلَجْ إِذِ الْمَسْوَءِ لَعَلَّ عُلَّ صُيَّبَنَّ لَنَا كَلَاقِ أُمُّهُ نَعْلُ لَلَّ يَضَرَّرْمُعَنْ بَلَّ عَ
رَاشْ أَوْ، أَلُّكَ هَعَبَاصَ أَضَبَقَوَّ يَنْ مُيْلُ لَوِذِخَ فَيَلَّ عَيَنْ مُيْلُ لَوِذِخَ وَهَاضُ وَهَاضُ
هَ أَوْ. يَرْسُيْلُ لَوِذِخَ فَيَلَّ عَيَنْ مُيْلُ لَوِذِخَ وَهَاضُ وَهَاضُ، مَاهُ بِلَّ يَلَّ يَلَّ وَهَاضُ
يَرْخُ بِلَّ أَلُّ إِسْمُ خَلَّ

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон намозда ўтирсалар, ўнг кафтларини ўнг сонларига қўяр, бармоқларини тугиб, бош бармоқ ёнидаги бармоқлари билан ишора қилар эдилар. Чап кафтларини чап сонларига қўяр эдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Ушбу ҳадиси шарифда ташаҳҳудда ўтириш ва унда қилинадиган ишлар ҳақида сўз кетмоқда.

Ташаҳҳудда ўтирганда ўнг кафтни ўнг сонга, чап кафтни чап сонга қўйиб ўтириш. Бармоқларни қиблага қаратиб ўтириш.

Ўнг қўл бармоқларини тугиб, бош бармоқ ёнидаги кўрсаткич бармоқ ила ишора қилиш.

Ўша бармоқни араб тилида «саббоба» дейилади.

Шунинг учун ташаҳҳудда қилинадиган ишорани ҳам «ишораи саббоба» дейилади.

«Ишораи саббоба» ташаҳҳудда «Ашҳаду аллаа илааҳа», деганда «Лаа илааҳа»ни айтаётганда кўрсаткич бармоқни юқорига кўтариш ва «иллаллоху»ни айтганда тушириш билан бўлади. Ўша бармоқни кўтаришда бошқа бармоқларни йиғиб олинади.

Баъзилар ушбу ривоятдаги «бармоқларини тугиб»ни ташаҳҳудга ўтиришда тугиб ўтиради, деб тушунганлар. Шунинг учун аввалдан қўлларини муштга ўхшатиб ўтиришади ва «Лаа илааҳа»га келганда кўрсаткич бармоқларини юқорига кўтаришади. Бармоқларни тугмасдан, уларни оддий ҳолатда қиблага қаратиб, уларини тиззага етказиб ўтириш кўпроқ маъқул бўлган.

«Саббоба» сўкиш деганидир. Бинобарин, «ишораи саббоба»нинг маъноси – «сўкиш ишораси» бўлади.

Ташаҳҳудда «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу»нинг «Лаа илааҳа»сида кўрсаткич бармоқни кўтариш шайтонни сўкиш бўлади. «Ишораи саббоба»ни қилиб, бармоқни тушириш шайтонни темир қамчи билан уришдек гап, дейилади.

Ишорани қилгандан сўнг намоз тамом бўлгунча ўша бармоққа қараб турилади. Ишораи саббоба пайтида тугилган бармоқлар намознинг охиригача ҳам ёзиб юборилмайди.

Баъзи уламоларимиз бу ишорани қилмасликни айтганлар. Аммо Ибн Ҳумом ва Али Қорий каби уламоларимиз: «Буни қилмаслик ривоят ва дироятга хилоф бўлади», деганлар.

Биз эса устози ўргатганлар қилсин, ўргатмаганлар қилмасин, аммо ихтилоф бўлмасин, деймиз.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи

асосида тайёрланди